

- 4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30 фоиз суммасини олдиндан тўлайди;
- 4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадilar.
- 4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.
- 4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортикча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.
- 4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.
- 4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланади.
- 4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:
- а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
  - б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.
- 4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.
- 4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.
- 4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.
- 4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

- 5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- 5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.
- 5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.